

“МАЪҚУЛЛАНГАН”
“Ўзбекэкспертиза” АЖ
Кузатув кенгаши йиғилишининг
2024 йил “29” ноябрдаги
11/2024 - сон баёни



“ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА” **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

2025 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖА

Тошкент - 2024 й.

МУНДАРИЖА

Умумий маълумот	
Жамият ҳақида	3
Ташкилий тузилма	3 - 5
Асосий фаолият турлари	6
Асосий фаолият турларининг норматив-ҳуқуқий базаси	7 – 8
Рақобат муҳити	8

Халқаро ҳамкорлик	
Халқаро фаолият, сертификатлаш жараёнини оптималлаштириш ва халқаро стандартлар билан интеграция қилиш	9 – 14
Сифатни бошқариш ва сифат менежменти тизимини (СМТ) яхшилаш бўйича вазифалар	13
Тадбиркорлик субъектлари – ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш миллий дастурларида жамиятнинг иштироки	13 - 14

Трансформация	
Бизнес-режанинг мақсади	15
2025 – 2027 йилларга мўлжалланган жамиятни барқарор ривожланиш стратегияси	15 - 17
Ишлаб чиқариш ва маъмурий-хўжалик бизнес жараёнларида мавжуд муаммолар, уларни рақамлаштириш ва оптималлаштириш	17 - 20
Жамиятнинг ҳудудий шўъба жамиятлари ва филиаллари	20 - 21

Кадрлар сиёсати, комплаенс ва касаба уюшмаси фаолияти	
Кадрлар захирасини шакллантириш	22
Коррупцияга қарши комплаенс хизмати	22 - 24
Касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти	24

Кўрсаткичлар	
Молиявий таҳлил	25 – 28
2025 йил учун харажатлар	29

ЖАМИЯТ ҲАҚИДА

“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти (“Ўзбекэкспертиза” АЖ) Вазирлар Маҳкамасининг “2003 – 2004-йилларда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури тўғрисида” **2003 йил 17 апрелдаги 185 - сон** қарорига асосан Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг **2004 йил 30 январдаги 13 – кПО - сон** буйруғига мувофиқ ташкил этилган ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” **2014 йил 6 майдаги ЎРҚ – 370 - сон** Қонунининг янги таҳририга асосан номи ўзгартирилган.

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Тўлиқ расмий номи:

“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati

Uzbekexpertiza joint stock company

Акционерное общество «Узбекэкспертиза»

Боғланиш учун маълумот:

Телефон: (71) 230-23-60

Факс: (71) 268-06-94

Банк реквизитлари:

СТИР: 201 037 628

ИФУТ: 71200

миллий валютадаги ҳисобрақами: “Ипотека банк” АТИБ
“Меҳнат” филиали, МФО 00423, 20210000200126024001

хорижий валютадаги ҳисобрақами: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
худудий филиали, МФО 00424, ҳисобрақами: 20210840100126024002

Устав жамғармасы:

Жамиятнинг устав жамғармасы **2 589 587 880** сўмни ташкил этади, номинал қиймати **1 622** сўмдан бўлган **1 596 540** та акцияларга тўғри келади ва қуйидагича тақсимланади:

Давлат улуши	81,3 %
	<i>Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги ПҚ–126-сон қарорига мувофиқ, “Ўзбекэкспертиза” АЖ устав капиталидаги давлат улуши ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли улушлар Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган ҳамда давлат улушини бошқариш функцияси ишончнома асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига берилган.</i>
Бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг улуши	18,7 %

Жамият бошқаруви

Бош директор: Абидов Бадриддин Нурутдинович

“Ўзбекэкспертиза” АЖ таркибига қуйидагилар киради:

Тошкент шаҳридаги Бош офис

Худудий филиаллар – “Аэропорт”, “Сирғали”, “Арк булоқ”, “Акциз пости”, “Олмалиқ”, “Чирчиқ”, “Ангрен”, “Назарбек”

“Ўзбекэкспертиза” АЖ ходимларининг умумий сони
133 штат бирлигидан иборат, шундан:

бошқарув ходимлари – **39** нафар

бош офисдаги ишлаб чиқариш ходимлари – **51** нафар

филиаллардаги ишлаб чиқариш ходимлари – **28** нафар


техник ходимлар – **6** нафар

хизмат кўрсатувчи ишчилар – **9** нафар

Бундан ташқари,
 “Ўзбекэкспертиза” АЖ
 мустақил юридик шахс
 ҳисобланган ҳамда Ўзбекистон
 Республикасининг барча
 ҳудудларида жойлашган
 шўъба хўжалик жамиятларини
 (ШХЖ) таъсис этган.

12

ЭКСПЕРТЛАР СОНИ БЎЙИЧА



АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

- Вазирлар Маҳкамасининг **2019 йил 13 декабрдаги 994 - сон** қарорига мувофиқ, Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва тегишли сертификатларни расмийлаштириш.
- Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.
- Вазирлар Маҳкамасининг **2024 йил 28 октябрдаги 712 - сон** қарорига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш.
- Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифлаш.
- Товарларни миқдори ва сифати бўйича экспертизадан ўтказиш.
- Маҳсулотларнинг лаборатория синовларини ўтказиш.
- Товарларнинг мувофиқлигини сертификатлаш.
- Маҳсулотларни мажбурий сертификатлаш зарурлиги тўғрисида хулосалар тайёрлаш.
- Ташқи савдо иштирокчиларига маслаҳатлар бериш (импорт/ экспорт шартномалари ва юк ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш).

Маълумот учун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон** ва **2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон** қарорларига мувофиқ, давлат харидлари жараёнида маҳаллий товарларга преференциялар бериш механизми жорий этилди, шу жумладан кооперация портали ([COOPERATION.UZ](https://cooperation.uz)) ишга туширилди.

2023 йилда кооперация портали орқали **2 000 та** тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат буюртмачиларига **14,4 триллион** сўмлик товарлар сотилган бўлиб, давлат харидлари умумий ҳажмининг **5,7 фоизини** ташкил этди.

Халқаро тажрибани (Саудия Арабистони, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар) ҳисобга олган ҳолда давлат харидлари соҳасида маҳаллий товарлар улушини кенгайтириш ва рақобатни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” **2024 йил 28 октябрдаги 712-сон** қарорига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш ваколати “Ўзбекэкспертиза” АЖга юклатилди. Ушбу ташаббус доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда тегишли хулоса ва гувоҳномалар бериш амалиёти ҳам жорий этилмоқда.

**АМАЛДАГИ ТИЗИМ ВА
УНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ**

Амалдаги қонунчилик:


Статистика маълумотлари асосида ёки ҳокимларнинг ёрдамчилари, томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни аниқлаш ишлари доимий равишда амалга оширилиши белгиланган.

Порталга жойлаштириладиган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси камида 30 фоиз бўлиши лозим. Етказиб бериладиган маҳсулотлар бўйича маҳаллийлаштиришнинг белгиланган минимал даражасига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик етказиб берувчига юкланади. Оператор етказиб берувчининг маълумотлари тўғрилигини назорат қилиш ёки текширишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон қарори 2-ббб. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни аниқлаш тартиби.

Муаммолар:



Оқибатда:



АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ БАЗАСИ

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг барча молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти, шунингдек, компания таркибий бўлинмаларида меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

• Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш — товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификатлар бериш бўйича экспертиза Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва мамлакатни аниқлаш нуқтаи назаридан ЖСТ талабларига мувофиқ жаҳон амалиётига асосланади. Келиб чиқиш сертификатлари товар келиб чиққан мамлакатни тасдиқлаш учун берилади ва импорт қилинган мамлакатда имтиёзлар олиш учун ишлатилиши мумкин.

Мазкур соҳадаги фаолият Вазирлар Маҳкамасининг **2019 йил 13 декабрдаги 994-сон** қарори билан тасдиқланган “Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан

тартибга солинади. Шунингдек, қарорда Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилувчиларни “**REX**” электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган.

- Вазирлар Маҳкамасининг **2024 йил 28 октябрдаги 712-сон** қарорига асосан маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш.

- Солиққа солиш ва бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш, маҳсулотнинг норматив талабларга мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, статистик ҳисоботларни шакллантириш мақсадида товарларни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича таснифлаш. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-460-сон** қарори ҳамда товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги халқаро Конвенцияга асосланади.

- **O'zDSt ISO/IES 17025-2019** “Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига умумий талаблар”.

- **O'zDSt ISO/IES 17065-2015** “Маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларни сертификатлаштириш органларига талаблар”.

РАҚОБАТ МУҲИТИ

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи асосий рақобатчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти қошидаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш органи.
- Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги “UzTest” ДУК.
- “Маҳсулот сифати маркази” МЧЖ қошидаги сертификатлаштириш органи.
- “Мустақил Сертификат Маркази” МЧЖ қошидаги сертификатлаштириш органи.
- “Tib-Standart Servis” МЧЖ қошидаги сертификатлаштириш органи.
- “O'zbek-Turk Test Markazi” МЧЖ ҚК қошидаги сертификатлаштириш органи.
- Ўзбекистон ССП ҳузуридаги “Палата эксперт” УК.
- “Ташэкспертиза” МЧЖ.

ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТ, СЕРТИФИКАТЛАШ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ

Экспертиза бозорида кўп йиллик фаолияти ҳамда халқаро ҳамкорлар билан ўрнатилган алоқалар натижасида “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ишончли ҳамкор сифатидаги имиджи шакллантирилди. Ўз ўрнида, халқаро институтлар томонидан фаолиятнинг турли йўналишларида жамият билан ҳамкорликни йўлга қўйишга ишончли қизиқиш шаклланди. Шу ўринда қуйидагиларни таъкидлаш зарур.

- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг бевосита иштирокида “**GSP**” ва “**GSP +**” преференциялар тизими доирасида экспорт товарларини сертификатлаш ишлари амалга оширилмоқда, бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга Европа Иттифоқида **3 000** дан ортиқ товар позициялари бўйича божхона тўловларисиз ва **3 200** та товар позициялари бўйича пасайтирилган бож ставкалари бўйича олиб чиқиш, **6 244** та товар позицияларини божсиз экспорт қилиш имконини бермоқда. Товарларни Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишда ЕИ билан маъмурий ҳамкорликда товар келиб чиқишини “**REX**” экспортчилар тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилади (келиб чиқиш сертификати талаб этилмайди).
- Ўзбекистон патент идорасида рўйхатга олинган “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг товар белгиси МДХ, Европа Иттифоқи, Осиё, Африка, Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида тан олинади.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ томонидан расмийлаштирилган келиб чиқиш сертификатлари жаҳоннинг **100** дан ортиқ давлатларида қабул қилинади.
- Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли савдо бўйича имзоланган халқаро шартномалари бўйича ҳамкорлиги доирасида “Ўзбекэкспертиза” АЖ қуйидаги келишувлар доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги Битим (**2022 йил 22 мартда** имзоланган);
- Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги Битим (**2022 йил 3 мартда** имзоланган);
- Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги Битим (**2024 йил 1 октябрдан** кучга кирган);
- Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги Битим (**2023 йил 18 июнда** имзоланган).

Мазкур битимлар келишилган айрим турдаги товарларга импорт божларини камайтириш ёки бекор қилишни назарда тутати, бу эса экспортчилар учун қўшимча қулайликлар яратди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур шартномалар доирасида “Ўзбекэкспертиза” АЖ юқоридаги давлатларга товарларни экспорт қилишда товар келиб чиқиш сертификатларини беришда бевосита иштирок этади.

Шунингдек, бугунги кунга қадар товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштиришнинг электрон тизимларидан қўллаш бўйича келишувларга эришилган, хусусан, Ўзбекистон Россия Федерацияси билан **2022 йил декабрда**, Беларус Республикаси **2024 йил февралда** “Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштиришнинг электрон тизимларини ўзаро қўллаш тўғрисида”ги Битимларни имзолаган.

- Шунингдек, **2024 йил 14 ноябрь** куни “Ўзбекэкспертиза” АЖ Бош директорининг “**Ready4Trade Central Asia**” лойиҳасининг иккинчи босқичини бошлаш доирасида **UNCTAD/ЖСТ Халқаро савдо маркази (ХСМ)** вакиллари билан учрашуви ташкил этилди.
- Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган ва Халқаро савдо маркази (ХСМ) томонидан миллий ҳамкорлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган “**Ready4Trade Central Asia**” лойиҳаси Марказий Осиё

давлатларида минтақавий ва халқаро савдони ривожлантиришга қаратилган.

“Ready4Trade Central Asia” лойиҳаси **биринчи босқичини** сарҳисоб қилиниб, қуйидаги асосий ютуқлар қайд этилди:

- Ўзбекистонда савдо жараёнларини соддалаштириш бўйича миллий платформа ишга туширилди;
- савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш платформаси асосида жараёнларни оптималлаштириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди;
- **“CART.IS”** услубиятига кўра ахборот оқимларининг хариталаниши таъминланди.

Ҳамкорликни қуйидаги йуналишларда давом эттиришга келишилди:

- **“Ready4Trade Central Asia”** лойиҳасининг иккинчи босқичида Жамиятдаги барча бизнес-жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш;
- Лойиҳанинг иккинчи босқичида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида келиб чиқиш сертификатлари электрон алмашинувини жорий этиш, шунингдек, бу борада Озарбайжон билан тажриба алмашиш;
- **Халқаро савдо палатасидан (ICC)** аккредитациясини олиш ҳамда “Ўзбекэкспертиза” АЖ ва **ICC** ахборот тизимларини интеграциялаш масаласини кўриб чиқиш;
- Халқаро экспертларни жалб этган ҳолда мувофиқликни сертификатлаш тизими ва синов комплексини такомиллаштириш бўйича янги миллий лойиҳани ишлаб чиқиш;
- **2025–2030-йилларда** Жамиятнинг Барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласида эксперт-консультатив жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- “Ўзбекэкспертиза” АЖда Илмий-тадқиқот ва ўқув марказини ташкил этиш;
- Янги миллий лойиҳа доирасида Жамият ва ХСМ ўртасида Меморандум лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекэкспертиза” АЖ,

ХСМ ва ИСС ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик тўғрисида Меморандум лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича муҳокамалар ўтказиш.

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг халқаро фаолиятига оид юқоридаги тадбирларни умумлаштирган ҳолда, “Ўзбекэкспертиза” АЖ Синов мажмуасининг аккредитациядан ўтган лаборатория ҳисобланиши ҳамда **ILAC MRA** халқаро аккредитация белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини олганилигини таъкидлаш зарур. Бунинг натижасида, Ўзбекистонда ўтказилган маҳсулот синовлари бугунги кунда жаҳоннинг **116 та** давлатида тан олинади ва миллий экспортчилар харажатларини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ ВА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ (СМТ) ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР

Ташқи иқтисодий фаолият бозорида кўрсатилаётган хизматларга профессионал ёндашувни таъминлаш мақсадида, “Ўзбекэкспертиза” АЖ томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар сифатига катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан, қуйидагиларни таъкидлаш зарур:

- **2005 йилдан** бошлаб жамиятнинг сифат менежменти тизими **TUV** (Германия) халқаро ташкилоти томонидан **ISO 9001 стандарти** талабларига мувофиқ сертификатланган.
- жамиятда йиллик аудитни (ҳар уч йилда – қайта сертификатлаш аудити) ўтказиш ишлари давом эттирилди.
- **2024 йилда** жамиятнинг сифат менежменти тизими **“Cert International”** (Словения) халқаро органи томонидан сертификатланди.
- **2025 йилда** **“Cert International”** (Словения) сертификатлаштириш органи томонидан жамият СМТнинг Кузатув аудитини ўтказиш режалаштирилган.
- **2025 йилда** жамият фаолиятининг барча йўналишларида тизимли ишларни таъминлаш ва **ISO 9001** стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.
- Бозор талаблари ва бизнеснинг ривожланиши таҳлилини

инобатга олган ҳолда хизматлар турларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланди.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ – ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРЛАРИДА ЖАМИЯТНИНГ ИШТИРОКИ

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тармоқ бирлашмалари, вазирлик ва идоралар, шунингдек, халқаро ташкилотлар (**UNDP, GIZ, USAID** ва б.) каби ташкилотлар ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашишга жалб қилинган ҳамда доимий равишда ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг яқиндаги ташаббусини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу ташаббус сабабли “Ўзбекекспертиза” АЖга давлат томонидан навбатдаги ишонч билдирилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **2024 йил 14 мартдаги ПҚ-126-сон** қарорига мувофиқ чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Хусусан, юқоридаги ҳужжат доирасида тадбиркорлик субъектлари учун бизнес-режа ишлаб чиқиш ва уларга тайёр бизнес лойиҳаларини таклиф этиш, бизнесни юритиш ва корпоратив бошқарувни йўлга қўйишда амалий ёрдам берадиган **лойиҳа офислари** фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, жамият томонидан кўрсатиладиган хизматларни ва бизнес жараёнларни рақамлаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, лабораториялар салоҳиятини ошириб бориш орқали ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи

корхоналарга консультатив хизматларни кенгайтириш мазкур ташаббуснинг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Белгиланган вазифа доирасида **2024 йилнинг иккинчи ярмида** жамиятнинг ҳудудий шўъба хўжалик жамиятлари негизида Лойиҳа офислари ва Экспорт марказлари фаолиятини ташкил этиш ишлари бошланди.

Мазкур бўлинмалар фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида, ҳудудий Лойиҳа офислари ва Экспорт марказлари фаолияти доирасида қисқа муддатда бизнес вазифаларини рақамли бошқариш дастурининг тажриба-синов версияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2024 йил 14 мартдаги ПҚ–126-сон** қарорига мувофиқ (**2-“б”** банд, **1,3-хатбоши**), тадбиркорлик субъектларининг аризаларини қабул қилиш бўйича рақамли платформанинг синов режимида ишга туширилган даврида Жамият лойиҳа офисларининг бевосита кўмаги асосида **2024 йилнинг август-сентябрь** мобанида **12 та** тадбиркорлик субъектларига бизнес-режа ишлаб чиқишда ёрдам берилиб, улар доирасида Жаҳон банкдан жами **550 000 (беш юз эллик)** минг АҚШ долларилек молиялаштириш таъминланди.

Экспорт марказлари фаолияти бўйича таъкидлаш жоизки, **2024 йил апрель-октябрь** даврида экспорт марказлари томонидан **4 568 та** экспортчи корхоналар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилди. Шу билан бирга, уларнинг **1 823 тасида** ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Ушбу масалалар атрофлича ўрганилгандан сўнг экспорт марказлари мутахассислари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилди ҳамда улар томонидан экспорт марказлари тақдим этган маълумотлар асосида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсадли чоралар кўрилди.

БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ МАҚСАДИ

2025 йилда “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг асосий мақсад этиб қуйидагилар белгилаган:

“Эришилган самарадорлик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, бизнес жараёнларини тўлиқ рақамли бошқариш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, жамиятнинг илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш ва мутахассисларнинг касбий маҳоратини янада юқори даражага олиб чиқиш”.

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг **2025** йил учун бизнес-режаси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” **2014** йил **6** майдаги **370-сон Қонунига** (янги таҳрири) мувофиқ ишлаб чиқилган ва **2025 – 2030** йилларга мўлжалланган жамиятни Барқарор ривожланиш стратегиясига асосланади.

2025 – 2027 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Жамият фаолиятини ислоҳ қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, **2024** йилда “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг **2025 – 2027 йилларга** мўлжалланган Барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Жамият ходимлари ва бошқарувнинг барча даражадаги раҳбарларининг қатъий ишончига мувофиқ, жамият фаолиятини ташкилий тузилмасининг барча даражаларида такомиллаштириш жараёнини амалга ошириш вақти келди.

Хусусан, мазкур ривожланиш стратегияси доирасида жамиятда кейинги **3 йилда** асосий эътиборни қаратиш зарур бўлган қуйидаги кўрсаткичлар белгилаб олинди, хусусан:

- Синов мажмуаси ва мувофиқликни сертификатлаш органи аккредитация соҳасини кенгайтириш.

- Юқори технологияли ўлчов ускуналари билан жиҳозлаган ҳолда ҳудудларда янги лабораторияларни ташкил этиш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Рақамли Ўзбекистон – 2030**” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон** Фармонида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда замонавий ахборот технологиялари имкониятларини инобатга олган ҳолда жамиятдаги бизнес-жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш.
- Ишлаб чиқариш ва маъмурий-хўжалик жараёнларини оптималлаштириш, шу жумладан сертификатлаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш.
- Янги турдаги хизматларни йўлга қўйиш ҳисобига молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлаш.
- Ўзбекистон Республикаси ва хорижда Жамиятнинг нуфузини ошириш, ташкилот фаолиятини халқаро даражага олиб чиқиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.
- “Устоз – шогирд” институти ва халқаро стажировкаларда ўқитиш орқали орқали жамият мутахассисларининг юқори касбий даражасини таъминлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳузурида ўхшаш хорижий марказлар билан ҳамкорликда “**Илмий-тадқиқот ва ўқув маркази**”ни ташкил этиш, марказни янада ривожлантириш учун грантлар жалб этиш имкониятларини кенгайтиришда кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни таъминлаш.
- Киберхавфсизлик борасида жамият ва унинг мижозлари манфаатларини кафолатланган ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида жамият негизида “**Рақамли трансформация маркази**”ни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.
- Лойиҳа офислари ва Экспорт марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш.
- Вазирлар Маҳкамасининг **2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарори** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.
- Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектлари

томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмларни сертификатлаштириш тўғрисида” ишлаб чиқиладиган қарори лойиҳаси доирасидаги вазифаларни бажаришга тайёргарликни таъминлаш.

- Акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва тижорат манфаатларига мажбурий риоя этган ҳолда жамият харажатларини оптималлаштириш ҳамда юқори мотивация даражасини сақлаб қолишни таъминлаш.
- Жамиятда мутахассисларнинг иши натижадорлигини ва бўлинмалар фаолиятини баҳолашнинг шаффоф ва самарали мезонларини таъминлаш (**KPI**).
- Ўзбекистон Республикасининг етакчи ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчилари орасидан ёш кадрларни ишга қабул қилишнинг самарали тизимини таъминлаш.
- Жамиятнинг Касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини таъминлаш ва ходимларнинг ҳуқуқларига риоя этиш доирасида унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

2024 йилдаги асосий муаммолар, 2025 йилда ишлаб чиқариш ва маъмурий-хўжалик бизнес жараёнларини рақамли бошқариш ва оптималлаштириш

Жамиятдаги ишларнинг жорий ҳолати таҳлили **2024 йилда** кўпчилик жараёнларни автоматлаштиришда сезиларли кечикиш кузатилётганлигини кўрсатмоқда, бу эса ўз навбатида, жамият асосий фаолият турларининг ривожланишида ортда қолишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, **2025 – 2027 йилларга** мўлжалланган Барқарор ривожланиш стратегияси доирасида жамиятнинг ривожланиш режаларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги энг муҳим муаммоларни таъкидлаш лозим:

- Сертификатлаш тартиб-таомиллари ва сертификатлаш учун аризаларни қабул қилиш, шу жумладан товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашга мўлжалланган **ЯАТ** дастурий таъминоти Вазирларнинг Маҳкамасининг “Электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат

органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **2020 йил 16 июлдаги 444-сон** қарорига мувофиқ тегишли сертификат ва фойдаланиш учун рухсатномага эга эмас;

- Ўз навбатида, киберхавфсизлик қисми бўйича юқори даражадаги хавф-хатарнинг мавжудлиги Вазирларнинг Маҳкамасининг **2024 йил 28 октябрдаги 712-сон** қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Жамият ишлаб чиқариш бўлинмаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш масаласини хавф остига қўяди, мазкур қарорга мувофиқ “Ўзбекэкспертиза” АЖга маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш бўйича ваколатли сертификатлаш органи вазифаси юклатилган.
- Жамиятда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этишнинг долзарб зарурат эканлигини инобатга олган ҳолда, **2024 йилда** барча бизнес-жараёнларни, шу жумладан маъмурий-хўжалик жараёнларини рақамли бошқариш тартибини назарда тутадиган **2025 – 2027-йилларда** амалга ошириш режалаштирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ишлари бошланди.
- Жамият бўлинмаларини товар-моддий бойликлари (ТМБ) билан таъминлаш масаласига тузилмавий ёндашувнинг йўқлиги, инновацион ва амалий ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги ҳам зарур ТМБлар билан нобарқарор таъминлашга ва уларни олиш учун аризаларни тўлдиришда ортиқча вақтни сарфлашга, шунингдек, воситалар ва ходимларнинг иш вақтидан самарасиз фойдаланиш ҳолатларига ҳамда мос равишда ишлаб чиқариш фаолиятининг пасайишига олиб келмоқда.
- **2023 йилда** “Ўзбекэкспертиза” АЖ томонидан енгил саноат, тўқимачилик, кимё ва полиграфия маҳсулотларини сифатли ва тўлиқ синовдан ўтказиш учун ускуналар олинди. Шу билан бирга, синовлар натижаларининг юқори сифати ва ишончлилигини таъминлаш, текширув органлари томонидан хато ва камчиликларни аниқлашга йўл қўймаслик учун, **2025 йилда** Синов мажмуасида ўтказиладиган синовларнинг, параметрлар, асбоб-ускуналарни калибрлаш

ва текшириш, зарур реагентларнинг мавжудлиги, ўлчов натижалари ва стандарт шароитлардан ҳар қандай оғишларни ўз ичига олган алоҳида босқичларини рақамлаштиришни таъминлаш зарур.

- Синовлар жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш бутун жараённи оптималлаштириш ва натижаларнинг сифати, ишончлилигини таъминлаш, шу билан бирга маълумотларни қайта ишлаш вақтини сезиларли даражада қисқартириш, аниқликни ошириш ва бутун жараённинг шаффофлигини таъминлаш имконини беради.
- Кўрсатилаётган номонопол хизматлар турларини кўпайтириш, маҳсулот хавфсизлиги кўрсаткичлари бўйича аккредитация кўламини кенгайтириш ва Техник регламентлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, Синов комплекси фаолияти доирасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминлаш мақсадида **2025 йилда** қуйидаги лаборатория ускуналарини сотиб олиш зарур:

<i>Т/р</i>	<i>Номи</i>	<i>Қиймати</i>
1.	Ҳарорат оралиғи - 40 + 1800 С ва намлик диапазони 10% дан 98% гача бўлган иқлим камераси	100 000 000 сўм
2.	Юқори самарали суюқлик хроматографи	850 000 000 сўм
3.	ЭЗД детекторли газ хроматографи	260 000 000 сўм
4.	Стандарт намуналар	90 000 000 сўм
5.	ПЧП камайиб бораётган сонини аниқлаш учун қурилма	таннархи - 115 000 000 сўм бўлган ПЧП-7 ёки 142 000 000 сўм бўлган ПЧП-7 ёки 92 000 000 сўм бўлган ПЧП-3
6.	Пойабзал сув ўтказувчанлиги мосламаси	117 820 000 сўм (Хитой) ёки 536 660 000 сўм (Россия)
7.	Сиқишни текшириш машинаси (разрывная машина) 300 Н, хатолик ± 1%	150 000 000 сўм
8.	ГОСТ 9733.7-83, ГОСТ Р ИСО 105-P01-99 дазмоллашда рангнинг мустаҳкамлигини текшириш учун қурилма	80 000 000 сўм
9.	ИСО 105-C10-2014 ювишда ранг чидамлилигини текшириш қурилмаси	300 000 000 сўм
10.	Кимёвий реактивлар ва стандарт намуналар	150 000 000 сўм

- Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, метрология фан сифатида ўзгариб туради ва бизнес билан параллел равишда

ҳаракатланади, бу эса ўз навбатида Жамият экспертларининг касбий даражасини ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу воқеликлардан келиб чиқиб, жамият маҳсулотларни сертификатлаштириш органи мутахассислари ва синов мажмуаси ходимларининг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга эътиборни кучайтириш режалаштирмоқда. Шу муносабат билан **2025 йилда** Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтида ўқув курсларида ўқитиш, шу жумладан, хорижий экспертиза органларида сертификатлаштириш жараёнларини ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш ва қўшма ўқув семинарларини ташкил этиш режалаштирилган.

Иқтисодий самараси:

- Жадвалдаги ускуналарнинг йўқлиги ҳар йили субпудрат ишлари бўйича харажатларга олиб келмоқда. **2024 йилнинг 9 ойида** субпудрат шартномалар доирасида жамиятга **290 921 107 сўм** пул маблағларини олиш имкони бўлмади.
- Янги асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда синов хизматлари нархини камида **20 фоизга** ошириш мумкин, бу эса йилига камида **700 миллион** сўм соф фойда олиш имконини беради.

ЖАМИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ШЎЪБА ЖАМИЯТЛАРИ ВА ФИЛИАЛЛАР

Ҳудудий шўъба жамиятлари ва филиаллар билан ҳамкорлик қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

- “Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий шўъба жамиятлари ва филиаллари молия-хўжалик фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиш ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича изчил чоралар ишлаб чиқиш.
- ҳудудий бўлимлар раҳбарлари билан бизнес-режа кўрсаткичларининг ижроси, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига риоя этилиши, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан доимий

равишда учрашувлар ўтказилади.

2025 йилда Худудий шўъба жамиятлари ва филиалларнинг молия-хўжалик фаолиятини мониторинг қилиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар режалаштирилган:

- Ҳар чоракда худудий бўлинмалар раҳбарлари билан бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари ижроси бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари юзасидан йиғилишлар ўтказиб бориш;
- худудий шўъба жамиятлари ва филиалларининг ҳисобрақамларидаги пул оқимларини таҳлил қилиш ва назорат қилиш (ҳар ойда);
- филиалларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур оргтехника (компютерлар, принтерлар ва бошқалар) билан таъминлаш ва жиҳозлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этиш, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;
- “Ягона дарча” тамойили асосида хизматларни сотиш механизмининг жорий этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, ходимларнинг малакасини ошириш;
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ бош офисида худудий шўъба жамиятлари ва филиаллари ходимларининг малакасини ошириш бўйича мунтазам ўқув курсларини ташкил этиш;
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ худудий шўъба жамиятлари ва филиалларининг молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини қуйидаги мақсадларда комплекс таҳлилини амалга ошириш:
 - кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;
 - худудий шўъба жамиятлари ва филиаллари раҳбарларининг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича масъулиятини ошириш;
 - худудий шўъба жамиятлари ва филиаллар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш;
- худудий шўъба жамиятлари ва филиалларининг амалдаги ташкилий тузилмаси ва ходимлар сонини оптималлаштириш.

КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

- кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- ёш мутахассисларнинг ўсиши ва лавозими кўтарилишини таъминлаш;
- жамиятни ривожлантириш истиқболларини ва кадрлар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда жамият бошқарув ва ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларини ротация қилиш ва янгилаш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш;
- белгиланган тартибда ходимлар сонини оптималлаштириш;
- жамият ходимлари корпоратив маданиятини шакллантириш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИ

Хизмат тузилмаси ва штат жадвали акциядорлар йиллик Умумий йиғилишининг **2024 йил 17 июндаги 2/2024-сон** баёни билан тасдиқланган.

Хизмат ҳар йили Жамият раҳбарияти томонидан тасдиқланган Коррупцияга қарши комплаенс хизматининг иш режасига мувофиқ қуйидаги йўналишлар бўйича тегишли текширишларни ўтказиш орқали (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича) ички аудити амалга оширилади:

- тасдиқланган бизнес-режанинг ижро жараёни;
- корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолати;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- активларнинг ҳолати;
- ички назорат ҳолати.

Хизмат Жамиятда, шунингдек, унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича **ISO 37001:2016 халқаро стандарти** талабларига жавоб берадиган комплекс тизимини, хусусан коррупцияга қарши курашишни, коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, жамият ва унинг бўлинмалари ходимлари ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, жамиятда коррупцияга қарши профилактика чораларини ташкил этишни таъминлайди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги ҳужжатлар ижроси таъминланади:

- Жамият ички ҳужжатлари ва тижорат сирлари бўйича кўрсатмалар бериш;
- Янги ходимларни компания қоидалари ҳамда хавфсизлик ва коррупцияга қарши кураш мезонлари билан таништириш;
- Бош офис, ҳудудий филиаллар ва бўлинмалар ходимлари томонидан меҳнат қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларига бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар соҳасида услубий ёрдам кўрсатиш, уларга молиявий, солиқ, банк ва бошқа ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;
- Хизматлар учун техник шартларни ишлаб чиқишда ёрдам бериш, ташқи аудитор ташкилотларининг таклифларини баҳолаш.

Белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминлаш, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг **2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарори** доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда “Ўзбекэкспертиза” АЖ ва ҳудудий шўъба хўжалик жамиятларининг (ШХЖ) иштироки жараёнида коррупция хавфларини максимал даражада камайтириш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун импорт

қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмларни сертификатлаштириш тўғрисида” ишлаб чиқиладиган қарори лойиҳаси доирасидаги вазифаларни бажаришга хизматнинг тайёргарлигини таъминлаш мақсадида **2025 йилда** Комплаенс хизмати тизимини рақамлаштиришни жорий этиш режалаштирилмоқда.

КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ

Касаба уюшма қўмитасининг **2024 йилга** мўлжалланган иши “Ўзбекэкспертиза” АК фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилиб, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик воситаларига асосланади. Жамоа шартномаси меҳнат шароитлари, дам олишни ташкил этиш, компания ходимларига имтиёзлар ва кафолатлар бериш масалаларини тартибга солади.

Жамоа шартномаси амалдаги меҳнат қонунчилигининг қўламини кенгайтириш ва ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини ҳимоя қилиш ва яхшилаш бўйича чоратадбирларни қўшимча молиялаштириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Жамиятда ходимлар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратиладиганлигини инобатга олган ҳолда, **2025 йилда** Касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини барча ваколатидаги йўналишлар бўйича кучайтириш кўзда тутилган.

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

Молиявий режанинг мақсадлари ва стратегияси

2025 йил учун мақсадлар:

- **6 269,9** млн сўм соф фойда олиш.
- **48 379,4** млн сўмлик хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, **2024 йилги** бизнес-режага нисбатан ўртача **159** фоизни ташкил этади.
- Муддати ўтган кредитор ва дебитор қарздорликларнинг олдини олиш.

2025 йил учун стратегия:

- жамиятнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш.
- нарх шакллантириш тизимини такомиллаштириш;
- хизматлар таннархини ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни камайтириш;
- хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш.

Молиявий режани амалга оширишга ёрдам берадиган омиллар:

- Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг ижобий тенденциялари, кичик ва ўрта бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш.
- Инвестиция дастурини амалга ошириш орқали корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш.
- Молиявий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жамиятнинг нарх сиёсатини мунтазам равишда иқтисодий таҳлил қилиб бориш.

Нарх сиёсати:

Компаниянинг нарх стратегияси хизматларни истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни мувофиқлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, ортиқча даромаддан қочиш, дифференция ва диверсификация қилиш тамойилларига асосланади. Кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигига эътибор қаратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган истеъмол нархларининг прогноз индекси ҳам ҳисобга олинади.

Корхонанинг ривожланиш тенденциясини аниқлаш учун ўтказиладиган молиявий ҳолатни баҳолаш ўз ичига текширилаётган даврда бухгалтерия баланслари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва баҳоланаётган корхонанинг қўшимча маълумотлари ва қатор асосий молиявий коэффициентлар ва кўрсаткичларнинг ҳисобини олади.

Таҳлил мақсади:

- ўтган даврда жамият ривожланишининг тенденцияларини аниқлаш;
- жорий ҳолатни баҳолаш;
- ривожланиш истиқболларини асослаш;
- операцион ва молиявий рисклари даражасини баҳолаш;
- Муайян сана учун жамиятнинг молиявий ҳолатини аниқлаш қуйидагиларга имкон беради:
- мазкур санага қадар молиявий ресурсларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш;
- мулкдан фойдаланиш ва унинг таркибини аниқлаш;
- ўз ва қарз маблағларидан фойдаланишнинг оқилоналигини, ўз капиталининг самарадорлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш салоҳиятининг самарасини баҳолаш;
- кредиторлар, қарздорлар, бюджет ва бошқа томонлар билан муносабатларни оптималлаштириш.

Молиявий ҳолатнинг комплекс таҳлили

Корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини комплекс баҳолаш учун молиявий таҳлилда қабул қилинган корхоналарни **инвестицион жозибадорлиги бўйича таснифлаш** қўлланган.

1. Биринчи гуруҳ

Корхона юқори рентабелликка эга ва молиявий барқарор. Корхонанинг тўловга лаёқатлиги шубҳа уйғотмайди. Молиявий ва ишлаб чиқариш менеджментининг сифати юқори. Корхона келгусида ривожланишда катта имкониятларга эга.

2. Иккинчи гуруҳ

Корхонанинг тўловга лаёқатлиги ва молиявий барқарорлиги умуман қониқарли даражада. Корхона даромад даражаси қониқарли бўлсада, айрим кўрсаткичлари тавсия этилган қийматдан паст. Шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур корхона маҳсулотга бўлган бозор талабларининг ўзгариши ва молиявий-хўжалик фаолиятининг бошқа омилларига етарлича барқарор эмас.

3. Учинчи гуруҳ

Корхона молиявий жиҳатдан беқарор, у паст рентабелликка эга бўлиб, бу тўлов лаёқатини етарлича даражада ушлаб туриш учун етарли эмас. Одатда бундай корхона муддати ўтиб кетган қарздорликка эга. Корхонани инқироздан чиқариш учун унинг молиявий-хўжалик фаолиятида катта ўзгаришларни амалга ошириш керак. Корхонага инвестиция қилиш катта хатар билан боғлиқ.

4. Тўртинчи гуруҳ

Корхона чуқур молиявий инқирозда. Кредиторлик қарздорлиги катта, у ўз мажбуриятлари бўйича тўлашга қодир эмас. Корхонанинг молиявий барқарорлиги деярли йўқ. Ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичининг қиймати

корхона аҳволининг яхшиланишига умид бағишламайди. Корхона инқироzi даражаси шу қадар каттаки, ҳатто молиявий-хўжалик фаолиятида катта ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам, вазиятнинг яхшиланиш эҳтимоли катта эмас.

Таҳлил хулосаси

Юқорида келтирилган гуруҳларнинг ҳар бири молиявий кўрсаткичларнинг ўз меъёрий қийматларига эга ва бинобарин корхона кўрсаткичлари санаб ўтилган интервалларнинг бирига тўғри келади. Шундай қилиб, корхона инвестицион жозибадорликнинг **учинчи гуруҳига тўғри келади**. Корхонанинг тўлов лаёқати ва молиявий барқарорлиги умуман қониқарли даражада.

2025 йилда **корхонанинг тўлов лаёқатини юксалтириш, мустаҳкамлаш** ва **молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини барқарорлаштириш** мақсадида **хизматлар турларини янада кўпайтириш**, корхона фаолиятини **стратегик бошқариш самарадорлигини таъминлаш**, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро **ҳамкорликни ривожлантириш** орқали эришилади.

Бу борада, **барча бизнес-жараёнларни рақамлаштириш** ва **автоматлаштириш**, хусусан, мувофиқликни сертификатлаш тизими ва синов комплексини такомиллаштириш, Жамиятнинг халқаро миқёсда тан оlinиши, шу жумладан, электрон синов далолатномаси хорижий давлатларда тан оlinиши **халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорликда режалаштирилган янги миллий лойиҳа** доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа давлатлари (*Россия ва Беларусдан ташқари*) ўртасида **СТ-1 электрон сертификатларининг алмашиш** тизимини жорий этиш бўйича музокаралар фаол давом эттирилади. Бу каби механизмлар тадбиркорларнинг вақтини тежашга ва харажатларини қисқаришига олиб келади.

Юқорида режалаштирилган чора-тадбирлар доирасида эришиладиган **аниқ ижобий натижалар** билан корхона **инвестицион жозибадорлиги** кўрсаткичлари бўйича дастлабки босқичда **2- гуруҳ** ва кейинги босқичда **1-гуруҳга** хослигини таъминланади.

Фаолият самарадорлиги мониторинги

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” **2015 йил 28 июлдаги 207-сон** қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **2025 йилда** акциядорлик жамияти ва ижроия органи фаолиятининг асосий кўрсаткичларини мунтазам мониторинг қилиш тизими давом эттирилади.

"Ўзбекэкспертиза" АЖ бошқарув органлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1	1. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi - 81,36%; 2. RTQ Ventures AG (Германия) - 3,01%; 3. “Ўрта Осиё Транс” АЖ - 2,5%; 4. “Silk road capital holdings” МЧЖ - 0,02%; 5. “DONOLIK VA KELAJAK” АЖ ИФ - 0,0004%; 6. Жисмоний шахслар - 13,11%.		Акциядорлар:
			§ Йирик акциядор - 81,36 % (1 298 910 дона акция)
			§ Юридик шахслар - 5,53 % (88 279 дона акция)
			§ Жисмоний шахслар - 13,11 % (209 351 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2	Вахабов Даврон Абдужалолович	Ўзбекистон Республикаси Савдо - саноат палатаси (2024 йилдан)	900
3	Муродов Улуғбек Хошимжонович	“Савдони ривожлантириш кампанияси” АЖ директори (2024 йилдан)	-
4	Қараев Феруз Фахриддинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи (2024 йилдан)	-
